



ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ТАШКИЛ ЭТИШ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТ СИФАТИДА

Ботиров О.Қ.

*Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги
рақамли таълим технологияларини жорий этиш
маркази бош мутахассиси*

Таянч сўзлар: масофавий таълим, халқаро стандарт, таълим натижаси, меҳнат бозори, халқаро рейтинг, рақамли технология, мобил технология, глобаллашув, ахборотлаштириш жараёнлари, келажак кўникмалар.

Ключевые слова: дистанционное образование, международный стандарт, результат образования, рынок труда, международный рейтинг, цифровые технологии, мобильные технологии, глобализация, информационные процессы, навыки будущего.

Key words: distance education, international standard, educational result, labor market, international rating, digital technologies, mobile technologies, globalization, information processes, skills of the future.

Жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ жараёнлар негизида олий таълим муассасаларида сиртки таълим йўналишларида ўқув жараёнини ахборотлаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш, тайёрланаётган мутахассисларнинг замонавий илғор технологик билимларини кенгайтириш, рақамли технологиялар, мобил технологиялар асосида масофавий таълим олишларини таъминлаш, очиқ таълим ресурсларидан амалда фойдаланишларини такомиллаштиришга доир илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ахборот технологияларининг илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориши, таълим жараёнига масофавий таълим (d-learning) шакллари, рақамли таълим технологиялари (Moodle, eFront, Chamilo, ILIAS, Open Elms, Sakai, Dokeos ва ҳ.к.) замонавий дастурлаштирилган таълим моделлари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизимидаги туб ислохотлар негизида, ахборот технологияларнинг таълим жараёнига кенг татбиқ этилиши ҳамда масофавий таълимнинг амалиётда қўлланилиши таълим мазмунини ва таълим натижасини халқаро стандартга мослаштириш талабини долзар-



блаштиримоқда. Халқаро тажрибада масофавий таълим 2020 йилда бутун дунё СОВИД-19 пандемияси билан тўқнаш келган пайтда долзарб масалага айланди. Карантин чоралари ва мажбурий ўз-ўзини изоляция қилиш жаҳоннинг аксарият мамлакатлари таълим жараёнини масофавий таълимда ташкил этишга мажбур қилди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 27-мартдаги “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги

233-сонли буйруғи олий таълим муассасаларида масофавий таълим шаклини жорий этилди. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонунида ҳам таълим олиш шакллари қаторига масофавий таълимнинг қўшилиши мазкур таълимга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди ҳамда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг олий таълим муассасаларига масофавий таълим йўналишларига талабалар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имконияти янада кенгайтириш, бунда босқичма-босқич масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, фуқароларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш ҳамда олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш устивор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан:

- Олий таълим муассасаларининг QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш;

- Салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга киритиш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- 2022 йилда Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш орқали уларнинг жами сонини 34 тага етказиш.

- Қорақалпоғистон Республикасида 5 та нуфузли маҳаллий ва хорижий олийгоҳларнинг филиалларини ҳамда Тошкент вилоятида 5 минг нафар талабага мўлжалланган Нурафшон давлат университетини ташкил этиш.

- Андижон вилоятида 4 та хусусий олийгоҳ ташкил этиш. Натижада ҳудуддаги ёшларни олий таълим билан қамровини 23 фоиздан 50 фоизга етказиш.

- Наманганда келгуси 5 йилда 7 та олийгоҳ ташкил этиб, жами олий ўқув юртлиари сонини 10 тага етказиш.

- Самарқанд шаҳрида 20 минг нафар талабага мўлжалланган «Ёшлар шаҳарчаси»ни барпо этиб, унда камида 4 та хорижий университетнинг филиал ва кампусларини жойлаштириш. Хорижий давлатларнинг етакчи техника университети билан биргаликда Самарқанд технология университети-ни ташкил этиш.

- Урганч давлат университети қошида Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика маркази ва жамғармасини, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ташкил этиш.

- 2026 йилга қадар республика ҳудудларида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали уларнинг сонини 50 тага етказиш белгиланган.

Мамлакатимизда масофавий таълимни жорий этиш ва масофавий таълим хизматларини ривожлантириш борасидаги олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонунида белгиланган масофавий таълим шаклига кўра республикаимизнинг олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг статистик таҳлилига кўра қуйидаги ишлар амалга оширилган.

1-жадвал

Таълим шакли	Бакалавр	Магистр	Жами
Кундузги	629075	22085	651160
Кечки	43772	239	44011
Сиртқи	563132	706	563838
Махсус сиртқи	1451	17	1468
Иккинчи олий (кундузги)	672	0	672
Иккинчи олий (кечки)	633	0	633
Иккинчи олий (сиртқи)	34070	0	34070
Қўшма	11816	716	15532
Масофавий	8695	43	8738
Жами:	1293316	23806	1317122

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалар сони 1317122 та бўлиб, шундан, сўнги 2 йилда қабул қилинган 8738 та талаба масофавий таълим шаклида тахсил олмақда. Бу Республикаимизда тахсил олаётган умумий талабалар сонига нисбат қилиб олинганда 0.66 фоиз қисмини ташкил этмоқда. Республикадаги 210 та олий таълим муассасаларидан 20 тасидагина масофавий таълим шаклида ўқитиш жараёни ташкил этилган бўлиб, шундан 16 та давлат таълим муассасаси, 3та нодавлат муассасаси, 1та хорижий олий таълим муассасалари ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда масофавий



таълимда таълим олувчи талабалар сони, олий таълим муассасалари кесимидаги таҳлилини келтирамиз.

2-жадвал

№	ОТМ	Мулкчилик	Бакалавр	Магистр
1	Андижон давлат университети	Давлат	271	
2	Бухоро давлат университети	Давлат		
3	Ўзбекистон халқаро ислом академияси	Давлат	96	
4	Ўзбекистон Миллий университети	Давлат	573	
5	Тошкент давлат иктисодиёт университети	Давлат	594	
6	Тошкент архитектура-қурилиш университети	Давлат	216	
7	Тошкент давлат транспорт университети	Давлат	740	7
8	Тошкент молия институти	Давлат	441	
9	Урганч давлат университети	Давлат	344	
10	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети	Давлат	484	
11	Тошкент давлат юридик университети	Давлат	313	
12	Тошкент ахборот технологиялари университети	Давлат	792	
13	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	Давлат	213	
14	Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали	Давлат	170	
15	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	Давлат	265	
16	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали	Давлат	305	
17	Қўқон университети	Нодавлат	2312	
18	ИТ Парк Университети	Нодавлат	326	
19	Тошкент халқаро университети	Нодавлат	30	
20	Тошкент шаҳридаги Пучон университети	Хорижий	0	36
Жами:			8695	43

Юқоридаги келтирилган жадваллардан кўринадики масофавий таълим олувчи талабалар сони 8738 та бўлиб. Шундан, Қўқон университети



(2312 та талаба), Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида (1745 та талаба) ва Тошкент давлат транспорт университети (740 та талаба)га тўғри келади). Шу нуқтаи назардан, олий таълим таҳсил олаётган талабалар рақамли технологиялар билан ишлаш, маълумот кидириш ва ахборотларни яхлит идрок этиш, ахборотлар моҳиятини ижобий ва танқидий тарзда баҳолаш, ижодий, мантикий фикрлаш каби қобилиятларни эгаллаш имкониятини яратади. Жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ жараёнлар негизида олий таълим муассасаларида сиртки таълим йўналишларида ўқув жараёнини ахборотлаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш, тайёрланаётган кадрларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтириш, рақамли технологиялар, мобиль технологиялар асосида масофавий таълим олишларини таъминлаш ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимини ахборотлаштириш жараёнларининг кескин тараққиёт даражасини белгилайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4391-сонли қарори.
3. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004
4. Зайченко Т.П. Основы дистанционного обучения: Теоретико-практический базис: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2004. - 167 с.
5. Полат Е.С, Моисеева М.В., Петров А.Е. Педагогические технологии дистанционного обучения / Под ред. Е.С.Полат. — М., «Академия», 2006.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим жараёнида ўқитишнинг самарадорлигини оширишда масофавий таълимнинг ўрни ва имкониятлари, масофавий таълимнинг амалиётда қўлланилиши таълим мазмуни ва таълим натижасини халқаро стандартларга ҳамда меҳнат бозори талабларига мослаштириш ижтимоий зарурат эканлиги таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются роль и возможности дистанционного образования в повышении эффективности обучения в процессе высшего образования, практическое применение дистанционного образования, содержание и социальная необходимость адаптации результатов образования по международным стандартам и требованиям рынка труда.

SUMMARY

This article analyzes the role and possibilities of distance education in increasing the effectiveness of teaching in the process of higher education, the practical application of distance education, the content of education and the social necessity of adapting the result of education to international standards and the requirements of the labor market.